

Муносабат

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, хусусан, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг самараси бугун халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Мазкур жараёнда, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

ХАЙРЛИ
НИЯТЛАР
РЎЁБИ

14 йилдирки, ёшларни спортга оммавий жалб этиб, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш ва кундалик машғулотларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида спорт билан шуғулланган 6 ёшдан 15 ёшгача болалар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоиз, пневмония 55,6, бронхит 61,7, сколиоз 45,5 фоиз камайди. Бинобарин, янги тахрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлди. Соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг яхлитлигини таъминлаш ҳамда тизимлаштириш мақсадида унга янги моддалар киритилди. Хусусан, асосий тушунчалар янада тўлдирилиб, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этишни қонуний тартибга солиш, миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш, шунингдек, жисмоний тарбия ҳамда спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат органларининг соҳадаги ваколатларига оид масалалар қамраб олинган.

Ҳар йили барча спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий болалар спорт объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани минглаб болаларнинг турли зарарли оқимларга кириб олишларининг олдини олиш билан бирга ҳудудларнинг кўрам ва ободлигига, болалар соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қишлоқлардаги спорт иншоотларида шуғулланётган фарзандларимиз жаҳон спорт майдонларида кўламли иштирок этишга қодир бўлади".

Бундан 25 йил аввал 60 фоиз таълим муассасаларининг авария ҳолатидалиги ёки қишлоқ жойларида спорт заллари ва болалар спорт объектларининг деярли йўқлигини ҳисобга олсак, ўтган қисқа даврда эришилган натижалар салмоғи яққол намоён бўлади.

Энг муҳими, қурилаётган спорт иншоотларидаги жиҳозлар маҳаллий хом ашёдан ўз юртимизда ишлаб чиқарилаётган бўлиши билан кенг имкониятлар яратилаётганидан, ишлаб чиқаришга ва тадбиркорлик муҳитига янада кенг аҳамият берилаётганидан далolatдир. Яна бир муҳим жиҳат шуки, қишлоқ жойларида болалар спорт объектларидан фойдаланишни кучайтириш учун қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, мураббий кадрларни етказиб бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.

Бинобарин, Ўртбошимиз таъкидлаганидек: "Соғлом халқ, соғлом миллатида буюк ишларга қодир бўлади". Юртимизда болалар спортга қаратилаётган эътибор ана шу эзгу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

Шухрат ТУРСУНБЕКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият
ва спорт масалалари
қўмитаси раиси
ўринбосари.

Яна бир қувонарли жиҳат – инвестиция лойиҳаларининг аксарияти вилоятнинг саноат марказларида эмас, аксинча, ишлаб чиқариш кам ривожланган тоғли ва тоғолди ҳудудлар ва чекка қишлоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, бугун Бўстонлик, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларининг энг чекка нукталарига ҳам саноат тармоқлари дадил кириб бормоқда, янги, замонавий корхоналар қад ростламоқда.

Янги лойиҳалар
амалиёти

Қадимдан йирик савдо-сотиқ маркази, уста ҳунарманд ва моҳир ишбилармонлар маскани бўлган кўҳна Илоқ – Оҳангарон воҳаси мустақиллик туфайли янги тараққиёт ва имкониятлар заминига айланди. Кейинги йилларда ҳудудда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида эътиборга лойиҳа ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда тўқимачилик, қурилиш, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат ва мебель саноати жадал ривожланмоқда. Иқтисодиётимизнинг қон томирларидан бўлган тоғкон саноати равнақида ҳам мислсиз янгилаш жараёнлари рўёбга чиқаётди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бу борада янги, таъбир жоиз бўлса, тарихий тараққиёт босқичини бошлаб берди. Бу муҳим ҳужжат Ангрен шаҳри ва Оҳангарон туманидаги кўлаб ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этиш, чунончи, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтиришнинг янги имкониятларини вужудга келтирди.

Индустриал зонада фаолият кўрсатадиган корхоналарга қириқилдиган инвестициялар

◀▶ Бошланғич 1-бетда.

ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилиб, воҳада мукамал инфраструктура, транспорт-коммуникация тизимининг муттасил шакллантириб борилаётгани муваффақиятларнинг муҳим омили бўлмоқда.

тиёжи тўлиқ таъминланди, деганидир. Эндиги вази-фа корхона маҳсулотларини муттасил экспортга йўналтиришдан иборат бўлиб, бу бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Индустриал зонада фаолият юритаётган ишлаб чиқариш субъектларидан яна бири "EGL-NUR" Ўзбекистон-Жанубий Корея

имкониятлар эшигини очиб берди.

Жаҳон бозорига
йўл

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудратининг экспорт соҳа-хиятида намоён бўлади. Қувонарли жиҳати, Ўзбекистонимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлида жаҳон

йилларда вилоятнинг экспорт салоҳияти юксалиб, ташқи савдо жўғрофияси анча кенгайди. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йиллари бор-йўғи беш-олтита хорижий мамлакат билан савдо-сотиқ қилган бўлсак, бугун ҳамкор давлатлар сони юздан ошди. Уларнинг саксонга яқини узок

нинг баробарида кўлаб тадбиркор ва фермерлар яратилган имтиёз ва қулайликлардан руҳланиб, ўзимизда етиштирилган сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижликлар дастурхонига етказиб бормоқдалар.

Қибрай туманидаги "Бек агро Сарлочин" ана шундай экспортчи фермер хўжалиқларидан.

Қаранг, мамлакатимизда экспортни ривожлантириш учун шунақанги қулай шароитлар яратилмоқдаки, бугун бу бир пайтлар "пахта плани"дан бошқа нарсани билмайдиган қишлоқ хўжалиги миришкорларининг асосий фаолият турига айланмоқда, – дейди хўжалик раҳбари Ақром Аҳмедов. – Мустақиллик шарофатида, бу! Фермерлар ўз маҳсулоти билан тўғридан-тўғри, ҳеч қандай монеликсиз хориж бозорларига чиқишяпти. Масалан, хўжалигимиз ҳали ёш бўлишига қарамадан, ўтган йили 12 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилдик. Насиб бўлса, йил якунигача бу кўрсаткичи камида икки, уч баравар ошириш ҳаракатидамиз.

Яна бир эътиборга лойиқ факт. Мустақилликнинг ilk йилларида вилоятда бор-йўғи 10 та корхона экспорт фаолияти билан шуғулланган. Улар етказиб берган товарлар ёрлиғида ҳам "ярим тайёр маҳсулот" деган тамга бўлган. Бугун экспортёр корхоналар сони қарийб 30 баробар ўсди. Шу йилнинг ўтган даврида 20 га яқин тадбиркорлик тузилмаси экспортчи, мақомини олди. Демак, асл миллий маҳсулотларимиз шухрати дунё кезаверди.



бозорига дадил қадамлар билан кириб борди. Қадимдан "Буюк Ипак йўли"нинг маркази бўлган юртимиз истиклол туфайли дунё бозоридида азалий ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш имконига эга бўлди. Бугун ер юзидида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" махсус белгилли турфа хил, ранго-ранг миллий маҳсулотларимиз кириб бормаган жой қолмади-ёв... Бунда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, четга хом ашё эмас, кўпроқ тайёр маҳсулот чиқариш борасидаги изчил ва қатъий сиёсати муҳим аҳамият касб этаётди.

Қувонарлики, кейинги

хорижий давлатлар бўлиб, айниқса, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Австрия, Япония ва Хитой каби мамлакатлар билан манфаатли алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётди. Жорий йилнинг дастлабки икки ярим ойида ҳудудий экспортёр корхоналар томонидан қарийб 10,5 млн. АҚШ долларлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилгани ҳам соҳада ўсми суръатлари барқарор эканини англатади, албатта. Шунга монанд равишда бугун экспорт таркиби ҳам кенгайиб бораётди. Масалан, кейинги йилларда экспортда замонавий хизмат турларининг улуши анча ортди. Шу-

Албатта, бундай-ютуқлар, ижобий натижаларни санаб адо этиш мушкул. Уларга ҳар кун, ҳар жабҳада, ҳар қадамда рўбарў келаямиз. Бир пайтлар иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республика деб келинган мамлакатимиз бугун юксак иқтисодий салоҳиятга эга замонавий давлатга айланди. Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Ўзбек модели"нинг ҳаётбахш самараларидир.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган суратлар

САЙЛОВ ҳақида СЎРОВ

Бугуннинг гапи

Савол: Фуқаролар йиғини раис лавозимига номзодлар кўрсатиш қай тартибда амалга оширилади ва қиммат фуқаролар йиғини раис бўла олади?

Жавоб: Раис лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар

нинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига биноан, номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қонда тарикасида, олий маълумотга эга, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли

ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага эга ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборли бўлиши керак.

Савол: Номзод кўрсатишда ёш белгиланганми?

Жавоб: Амалдаги қонунчиликда бундай

чекловлар йўқ. Яъни, сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятига эга. Аммо, юқорида айтилганидек, номзод ҳаётий тажрибага эга бўлиши лозимлиги қонунчиликда белгиланган. Ёш масаласига айнан шу жиҳатдан ёндашган маъқул.

Савол: Узок йиллардан бери фуқа-

ролар йиғини раис сифатида фаолият юритиб келатган оқсоқол номзодини қайта кўйиши мумкинми?

Жавоб: Қонунчиликда бу борада ҳам чекловлар қўйилмаган. У яна қайтадан ўз номзодини қўйиши, сайловларда муваффақият қозонса, раислик вазифасини бажариши мумкин.

Саволларга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қондаги кўмаклашувчи комиссия аъзоси Зарифа ЭРАЛИЕВА жавоб берди.

ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Кўлаб хорижий мамлакатларда давлат билан нодавлат секторнинг ўзаро муносабатлари турли қонун ҳужжатлари билан ёки "ҳукумат ва фуқаролик сектори" ўртасидаги ҳамкорлик битимлари доирасида тартибга солинади. Ўзбекистонда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун эса давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг миллий тажрибасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлагани билан аҳамиятлидир.

– Мазкур Қонуннинг ижросини ўрганиш учун айнан Тошкент вилоятининг танлангани бежиз эмас, – деди қўмита раиси



А. Саидов. – Негаки, кейинги йилларда вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлар сони тезкор суръатларда ортиб бора-япти. Масалан, бу ерда 1991 йилда атғи 13 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 723 тани



ташкил этди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг ilk даврига нисбатан вилоятдаги ННТлар сони 56 бараварга ошган бўлса, сўнгги тўрт йил ичида уларнинг сони 55 фоизга кўпайди. Улар экология, спорт, ёшлар, ногиронлар, тад-

биркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда бошқа жами 16 та соҳа бўйича аҳолига турли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келишмоқда.

Йиғилишда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг моҳиятини аҳолига тўлақонли етқа-

зиш, ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Чунончи, охириги бир йил ичида ҳудудда шу масалага бағишлаб 40 дан ортиқ давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилган. Вилоят матбуотида 100 дан ортиқ мақола, суҳбат ва хабарлар эълон қилинган. Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қошида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Абдуллажон Ҳамроқулов

юқоридаги Қонуннинг вилоятдаги ижроси ҳолати яқунларини баён қилар экан, бу борада вилоятда муайян камчиликлар ҳам аниқланганини қайд этиб ўтди.

Йиғилишнинг мунозара қисмида депутатлар, ҳокимлик мутасаддилари, ННТ вакиллари ва фаоллар аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини ўртага ташладилар.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қўрилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди. Йиғилишда вилоят ҳокими С. Абдуллаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Тадбир

Пискент туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Битирувчилар
тадбиркорликдан
сабоқ олишди

Туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташкил этган тадбирда тадбиркорликка қизиққан, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган битирувчи йигит-қизлар иштирок этиди.

Йиғилишга таклиф этилган "Микрокредитбанк" ҳудудий бўлими, туман ҳокимлиги қошидаги "ягона дарча" маркази ҳодимлари республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, жорий қилинаётган қулайлик ва имтиёзлар, бизнес ғоялар ҳамда таклифларни қай тартибда тақдим этиш, имтиёзли кредитлар олиш бўйича яратилган ҳуқуқий кафолатлар ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Тадбирда битирувчилар ўзлари танлаган йўналишлари бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, улар томонидан саҳналаштирилган томоша ва кўргазмалар қишлоқ йилгиларда катта таассурот қолдирди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

◀▶ Бошланғич 1-бетда.

Вафо аканинг ҳикояси юртимизда аҳоли, хусусан, ёшларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилганининг тасдиғидир.

Президентимизнинг 1992 йил 28 августдаги "Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармони асосида Нукус шаҳрида, барча вилоятлар марказида ёшларнинг энг муҳтож қисми учун 30 хонали, Тошкент шаҳрида 60 хонали уй-жой бинолари қурилиб, ёш ижодкорларга бепул берилган.

Пойтахтимизнинг Сирғали-5 мавзеси Ҳабибий номидаги маҳалладаги кўп қаватли уйлардан бирини "Ёш ижодкорлар уйи" дейишади. Босиш, ушбу тўққиз қаватли уй Президентимизнинг юқоридаги фармони асосида қурилган ва ёш ижодкорларга бепул тақдим этилган.

Ўтган йиллар давомида бу уйда истиқомат қилаётган ёзувчи, шоир, бастакор, санъаткор, олим, умуман, ижодкор оилалар ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Фарзандлар туғилиб-вафот этиб, тўю томошалар бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг илк даврида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган бу эзгу ташаббус ушбу хонадон эгалари хотирасида энг бахтли воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

Мустақилликдан аввал, собиқ тузум даврида қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган бу эзгу ташаббус ушбу хонадон эгалари хотирасида энг бахтли воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

Президентимиз ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш, уларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда юртимиз ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида қабул қилган фармони билан ёш ижодкорларга уй ажратилиши, яшаётганларининг тураржойлари текин хусусийлаштириб берилиши, ҳеч бир муболағасиз, бекиёс ғамхўрлик намунаси эди.

КЕТМОНИ УЧАЁТГАН ЁШЛАР...

Ҳар қайси давлат ёш авлод тимсолида ўзининг орзу-инти-

❖ Бошлангич 1-бедта.

лишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Ҳар ким вояга етиб, касб-хунарга эга бўлишни, ҳаётда ўз ўрнини топиб, оила қуришни истайди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи эзгу ва юксак марраларга эришишнинг асосий омилларидан биридир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан,

нинг барча ҳудудларида ёш оилалар учун кўп қаватли уйлар қурилди. Битганлари пешма-пеш фойдаланишга топширилди. Уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун ёш оилаларга 15-20 йил муддатга мўлжалланган имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Оилалар фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банка-

2014 йилда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фойсиз қарз маблағлари йўналтирилди...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бинобарин,

тўғичиман. Ҳозир иниларим йигит бўлиб қолган. Оёққа туржи олиши ва жамиятда ўз ўрнини эга бўлишида кўмаклашяпман. Кўз тегмасин, кетмонимиз учаяпти, ака!" деди фарғонача лутф билан.

Унинг ёниб турган кўзлари-га боқиб, бугунги ёруғ, эртаси нурафшон юртининг бахтдан масрур, юксак ғамхўрлик ва эътибордан сархуш фарзанд-

лама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишларни янги босқичда давом эттиришда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, мазкур қарор қучга киргандан бери мамлакатимизнинг элликдан ортиқ ҳудудида "Қамолот" уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга топширилган.

Яқинда шундай уйлардан бири Сайхун соҳилидаги сўлим ва обод шаҳар – Бекободда қуриб битказилиб, ижтимоий фаол ёш оилаларнинг бир гуруҳига берилди. 16 хонадондан иборат 4 қаватли уйга кўчиб ўтган барча хонадон соҳибларининг кўзларини таърифлай олсам, кошки!

Фарзандларини боғчага элтиш учун узоқ йўл босишга мажбур бўлган, аиниқса, баҳор ёмғири-ю, қишнинг қаҳратонида хўп қийналган Озода Абдувалиева мушкул ариғанидан хурсандлигини яширолмади шундай деди:

– Қани энди, боғча ҳам, мактаб ҳам уйининг шундоқ ёнида жойлашган бўлса, деб орзу қилардим. Яхши ният – ярим давлат, деганлари рост экан. Йўқса, орзумдагидек уйга кўчиб ўтармидик?! Эшикдан кира солиб, хоналарга кўз ташладим: ошхона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси... Ошхонада табиий газ дейсизми, иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, бари муҳайё. Шукр, энди қулай шарт-шароит рўзгор юмушларини енгиллатади, фарзанд тарбиясига кўпроқ вақт ажратамиз. Бу уй Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами олдида Президентимизнинг биз, ёш оилаларга муносиб совғаси бўлди. Уйнинг 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга берилгани ва бошқа бир қатор имкониятлардан ота-оналаримиз ҳам хурсанд. Шундай озода ва обод юрт фуқароси эканимиздан фахрланамиз. Энди беамол уйимизга марҳамат, меҳмон, деб баралла айта оламиз.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
Ўза шарҳловчиси.

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ҚИЛИНГАН ИШЛАР САМАРАСИ

❖ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Не бахтки, Ватанимиз ҳаётида бир-бирдан муҳим, бир-бирдан зарур вазифалар қўпчилига қарамай, катта умид билан ҳаётга қадам қўётган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уй-жой билан таъминлаш, имтиёзли микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш борасидаги хайрли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида", "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонунлари ва Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ва Қарорлари бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Ушбу ҳужжатларга асосан ўтган йилларда мамлакатимиз-

ри томонидан микрокредитлар ажратилди. Бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёш оилаларга муайян тартибда уй-жой бериш билан бирга, маиший шароитларини яхшилаб олишлари учун ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Банklar томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқариш, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратилмоқда. Бу ёш оилаларнинг рўзгорини бутлаш, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир ушбу фармони ва унинг ижроси юзасидан ишлаб чиқарилган манзилли дастурга мувофиқ, 2008 йилда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди. 1 минг 300 ёш ўқитувчининг оиласига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилди. Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий тураржой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги кварта-ра берилди.

бундай оталарча ғамхўрликдан баҳраманд бўлган ёш оилаларнинг шодлигига шерик бўлиш, дил сўзлари, қалб кечинмаларига қулоқ тутишнинг ўзи кифоя.

Шу ўринда фарғоналик ҳамкасбимиз Маъсуджон Сулаймоновнинг шундай бахтга муяссар бўлган ёш оилалардан бири ҳақидаги ҳикоясини келтирмоқчиман:

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир фармонига асосан ўтган йилларда 81 ёш оила учун янги уйлар қуриб берди. Ўз уйи, бошпанасига эга бўлган ёшлар орасида Абдулазиз Мирзаганиев ҳам бор.

Бир гал Абдулазизни кўриб қолганимда оғиз тўлдириб: "Бошпанангиз тайин, рўзгорингиз бут, кўнглингиз хотир-жам бўлса, мақсад сари элтувчи йўлдан оғишмай дадил одимлар экансиз. Қаранг, бундан саккиз йил аввал қозонимни бошқа қилганимда оддий ишчи эдим. Янги уй ўзи билан бирга бахт, омад, шодлик келтирди. Бугун оғир муди-риман. Шу уйда яна иккитага қўлайдик – фарзандларим учтага етди. Биласиз, оилада

ларига ҳавасим келди. "Кетмонинг учаверсин, ука!" дедим...

ЯНГИ УЙИМИЗГА МАРҲАМАТ, МЕҲМОН!

Жаҳоннинг қўллаб-қувватлашда аҳолини уй-жой билан таъминлаш энг ўткир муаммолардан бири бўлиб турган, глобал маиший-иқтисодий инқироз оқибатида тураржойлар қурилиши кескин қисқараётган бир пайтда мамлакатимизда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Ёш оилаларни ҳар томон-

муҳим дастуриламал бўлаётган.

Ушбу ҳужжатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 4 қаватли 48-64 хонадонли "Қамолот" уйлари барпо этиш ҳамда ижтимоий фаол ёш оилаларга узоқ муддатли кредит эвазига (бошлангич бадалсиз) бериш белгиланган. Бу вазифаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг

Буллар ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлардан айрим мисоллар, холос. Ёшларга моддий ва маънавий кўмак беришни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга мададкор бўлиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар бундан-да улуғвор...

...Вафо Файзуллоҳ билан узоқ гурун қилдик. Кетишга чоғланганимда, бир янгиликнинг учини чиқарди: ҳадемай неварали бўларкан...

СОҒЛОМ ВА АХИЛ ОИЛАНING МЕВАСИ

Халқимиз азалдан оилани муқаддас санаб, бутун орзу-умидларини айнан шу маскан билан боғлаган.

❖ Бахт ошёни

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида оиланинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва нуфузи юксалди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади".

Оиланинг соғлом ва мустаҳкам бўлишида, маънан ва жисмонан баркамол авлодни камол топтиришда тиббий маданиятни юксалтиришнинг аҳамияти катта. Бу борадаги ишларда Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бўлимимиз ходимлари ёшларни оилага тайёрлаш

мақсадида "Соғлом ва бахтли оила", "Оилада тиббий маданият", "Ўз соғлигингиз ўз қўлингизда" мавзуларида коллеж, лицей ва мактабларда тиббий қўриқнинг аҳамияти, эрта оила қуришнинг олдини олиш ҳақида тадбирлар ўтказиб, ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини оширишга ҳаракат қилишяпти.

Бундан ташқари, ФХДЭ органига ариза беришга келган бўлажа келин-куёвларга репродуктив саломатлик ва тиббий кўриқнинг аҳамияти тўғрисида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ҳар ойнинг 15-санасида ташкил этиладиган "Оила дорилфунуни"га мутахассислар билан бирга бой ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар тақлиф этилади. Бундай тадбирлар катта ҳаёт оstonасига эндигина қадам қўётган ёшларнинг оила аталмиш муқаддас қўриқларини аввалдан мустаҳкам ва соғлом бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Нигора ТОҶИБОВА,
Юқори Чирчиқ тумани
ФХДЭ бўлими инспектори.

❖ Агар огоҳ сен...

Бугунги кунда Ислон дини ниқоби остида турли ёт ғояларни тарғиб этаётган диний экстремистик оқимлар кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Улар юртимиздаги осойишта ҳаётни, машаққатлар билан эришган ютуқларимизни кўролмайдиган

кимсалардан иборатдир. Иродаси бўш, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, содда ва гўр инсонларни тузоғига ялғинтириб, онглариини заҳарлайди, шум ниятларини амалга ошириш йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан қайтишмайди.

ТИНЧЛИКНИ АСРАМОҚ – САОДАТ

❖ Агар огоҳ сен...

Ўзларини "мусулмон" деб ўйлайдиган, Ислон дини ниқоби остида ғаламисликлар қилаётган динфурӯшларнинг қисмати-ку маълум. Лекин, нега айрим ёшларимиз ҳамон бундай кимсалар ноғорасига ўйнаб, бир-икки кунлик кайф-сафо деб, ана шундай тўдаларга қўшилиб қолаяпти? Наҳотки, ҳанузгача кўзимиз очилмаган бўлса?

Ахир, 1999 йил февралда Тошкент шаҳрида уюштирилган бир қатор кўпуровчилик ҳаракатлари, кейинчалик Наманган ва Андижон вилоятларида жангари тўдалар содир этган қотилликлар, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи тўдалар томонидан қилинган хунрезликлар ҳали-ҳануз ҳаммамизнинг ёдимизда-ку.

Баъзида ўйлаб қола-сан, киши. Инсонларни кўрkitиб, даҳшатга солиб, юрт тинчлигини бу-

зишни ният қилган бундай кимсаларни ҳам она туққан-ку? Наҳотки, фарзанд тарбиясида ота-она, оила, маҳалла-қўй шунчалик бепарво бўлса?

Хўш, бунга ким айбдор? Шубҳасиз, айбни бошқадан эмас, ўзимиздан ахтаришимиз керак. Буларнинг барчаси локайдлик ва эътиборсизлик оқибатидир.

Ахир оммавий ахборот воситаларида турли диний экстремистик ва террористик гуруҳлар ўз домига ҳали тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни жалб этаётгани ҳақида айтилмоқда, кўрсатилмоқда. Шулардан хулоса чиқариб барчамиз огоҳ бўлишимиз керак эмасми?

Ота-боболаримиз доимо дуога қўл очар эканлар, биринчи навбатда юртимизга тинчлик, хонадонларимизга файзу-барака тилайдилар. Чунки, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ

кун барака кетиши ҳақидаги ҳикмат бекорга айтилмаган. Шунинг учун ҳам Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салохиятини янада юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи зарур.

Теварак-атрофимизга теран кўз билан боқиб, ҳамиша хушёр яшасак, кимлар билан дўстмиз-у маҳалламизга кимлар келиб-кетаётганлиги билан астойдил қизик-сак, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ёшларга тинчлик, барқарорлиқнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида давом этаётган нотинчликлар, уларнинг асл сабаблари ва келтириб чиқараётган аянчли оқибатларини тушуни-риб борсак айнаи му-дао бўлади.

Энг зарури эса огоҳлигимиздир. Ҳеч бир бузғунчилик тайёргарликсиз амалга ошмай-

ди. Худди кучли зилзиладан олдин айрим жониворлар безовталангани каби, атрофимизда – маҳалла-қўйда бегона шахсларнинг пайдо бўлишига беэтибор бўлмаслик лозим.

Статистик маълумотларга кўра, террористик мақсадларнинг 70 фоиздан ортиги фуқароларнинг огоҳлиги сабаб амалга ошмай қолар экан. Шу сабабдан ҳар биримиз ана шу масалага огоҳлик билан қарасак, турли ёт ғоялар таъсиридан ҳоли бўлишимиз, Ватан равнақи учун ҳисса қўлишимиз аниқ.

Мамлакатимизда рўй бераётган ривожланиш ва тараққиёт, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликнинг эвазига бўлаётганлигини, бу кунларга эса осонликча эришилмаганлигини унутмас-лигимиз лозим. Демакки, ҳар вақт, ҳар жойда огоҳлиқни бир зум ҳам бўшаштирмайлик!

Баҳром АЗИЗОВ.

Реклама ўрнида

1991 NBU 2016

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий
банки 2016 йилнинг 11 мартдан жис-
моний шахсларнинг пластик карточка-
лари учун тўланадиган фоиз ставкала-
рининг ошганлигини маълум қилади:

«Пенсионерлар учун
пластик карточка»
(миллий валютада)

- Фақатгина пенсия маблағларини кира қилиш учун очилади;
- Карточкани очиш ва унга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms, web ва ivr) хизматларини кўрсатиш, қўшимча ҳақсиз амалга оширилади;
- Фоиз ставкаси йиллик – 22 %;
- Фоизларни тўлаш ҳар ойда амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини
бизга ишониб топширганлар
фаровонлиги учун ўзимизни масъул
деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 те-
лефон рақамлари орқали ёки банкнинг исталган
бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Лицензия рақами № 22.

□ Универсиада – 2016

«КИЧИК
ОЛИМПИАДА»НИНГ
КАТТА УМИДЛАРИ

Бу йил Фарғона вилоятида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг "Универсиада – 2016" мусобақалари финал босқичи бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўн тўртта терма жамоа спортнинг волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, сузиш, шахмат, оғир атлетика, дзюдо, баскетбол, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, теннис ва стол теннис турлари бўйича ғолиблик учун баҳс олиб боради.

– Спортчиларимиз беллашувларда совринли ўринларни эгаллашни мақсад қилишган, – дейди енгил атлетика бўйича вилоят терма жамоаси мураббий Элмурод Жўрабеков. – Уларнинг аксарияти олтин медалларни қўлга киритиш имкониятига эга.

Вилоят саралаш босқичларида 119 нафар талаба иштирок этиб, улардан 42 нафари республика финалига йўлланма олди. Айни кунларда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт базасида кунига икки марта ўқув-йиғин машғулоти ўтказилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан

терма жамоа аъзолари зарур спорт кийимлари билан таъминланди.

Маълумки, Универсиада ўйинлари очилишида ёқилайдиган машъала Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида қуёш нурларидан аланга олдирилади.

Ушбу машъала Паркентдан Фарғона шаҳрига етказилмаган йўл харитаси тузилди. – "Кичик Олимпиада" деб эътироф этилган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилмоқда, – дейди сузиш бўйича вилоят терма жамоаси мураббийи Мунира Рўзиева. – "Умид ноллари" ва "Баркамол авлод" спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширган ёшларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, Универсиада мусобақаларида муносиб иштирок этаётди.

– Шу кунгача эришган ғалабаларимизда мураббийларимнинг ҳиссаси катта, дейди оғир атлетикачи Анвар Алиқулов. – Фарғонадан ёруғ юз билан қайтиш ниятидаман.

Муқаддас ИСМОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошлангич 1-бета.

Солиқ қонунчилигига оид билимлар кундалик ҳаётнинг кўпгина жабҳаларида асқотди. Шу боис бундай кўникмаларни ёшлардан эгаллаб борган маъқул.

□ Танлов

БАРАКАЛЛА,
БИЛИМДОНЛАР!

Паркент туманидаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Солиқ билимдонлари" кўрик-танлови худди шу мақсадда ўтказилди. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими саъй-ҳаракати билан ўтказилган танловда 6

та ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаси жамоалари солиқ қонунчилигига ва амалиётга доир ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди.

Яқинда ғолибликка тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчилари лойиқ топилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

□ Офарин

Дурадгорлик столига мук тушган Шавкат Юсупов навбатдаги буюм учун ёғоч танлаяпти. Қочов (искана) тутавериб, пишиб кетган бармоқлар ёғоч устида оҳиста дарахатланади. Устанинг ўйчан нигоҳларидан яна бир санъат асари дунёга келиш арафасида эканлигини сезасиз. Уймакор аввал ёғоч дарахтидан олинган тахтани юмалоқ шаклга келтирди. Кейин ичи ва ёнларини ўйиб, силлиқлай бошлади. Озроқ вақт ўтгандан сўнг, унинг қўлида лаган шакли пайдо бўлди. Ишининг дағал қисми шу билан ниҳоясига етди.

Уста аввалдан тайёрлаган тарҳ асосида лаганга нақшлар чиза бошлади. Олди ёғочга кўрк берди. Навбат турли ҳажмдаги қочовларга ҳамда уларга мос болгаларга етди. Жараёни кузата туриб, бу хунар нафақат истеъдод ва тажриба, балки ирода ва сабр-тоқат талаб қилишини англайсиз.

Кейинги пайтларда энг яхши келин, энг яхши қайнона, энг яхши ҳамшира деган кўрик-танловлар ўтказиш роса урф бўлди. Бу кетишда эрта-индин кимдир энг яхши қайсингил, энг яхши амма ёки хола танловини ҳам бошлаб юборишни ҳеч гап эмас.

Эҳтимол, бундай тадбирларнинг ҳам зарурати бордир, аммо ўзини хурмат қиладиган келинчақ ҳеч қачон "Мен маҳалланинг энг ибратли келиниман", деб мақтанмаса керак. Унинг одоб-ахлоқи, тарбияси, инсоний фазилатлари, садоқати, маънавий гўзаллиги бир кунда эмас, йиллар давомида, оила ҳаётининг турли ҳолатларида – иссиқ-совуқ кунларда, қозон гоҳ қайнаб, гоҳ қайнамаган пайтлари, дастурхон бирда тўлиб, бирда нон-қойга қолганида, тақдирнинг ногаҳоний зарбалари хуруж қилганида билинади. Мана шундай оғир синовларни сабр-қаноат билан енгган келинларни ғолиб деса бўлади...

Ушбу сатрларни ўқийтган газетхоннинг кўнглидан: "Келинчақлар танловини ўтказишнинг ёмон жойи йўқ-ку", деган мулоҳаза ўтса, ҳўп, дея шундай танловга менинг ўзим бир келинчақнинг номзодини тақлиф этган бўлардим...

... Қаноат хола ўтган



Ёғоч ўймакорлиги Шавкат Юсуповга бошқалар сингари отамерос бўлмасада, унинг маҳорати манами деган устозлардан кам эмас. Боиси, хунарнинг сирасорларини синчковлик билан ўрганди. Ёғоч билан ишлаш, таъбир жоиз бўлса, унга иккинчи умр бахш этишни йиллар давомида ўзлаштириб

борди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Айни пайтда ҳам 7 нафар шогирди билан чоққина устозонада ясаётган столлар, хонтахта, ўриндиқ ва сўрилар нафақат Қўрай туманида, балки вилоятда ҳам кўпчиликнинг оғзига тушган.

Устахонадаги ижод намуналарини кўрган ҳар қандай ўспирин бу

хунарни ўрганишга қизиқиб қолиши аниқ. Аммо, қизиқишнинг ўзи билан иш битмайди. Ҳақиқий ўста мақомига эришиш учун бир неча йиллар керак бўлади.

– Ўзим ҳали шогирдман, – дейди Шавкат. – Бирок, устоз деб эшикдан кириб келувчи ёшлар кўп. Ҳар бир боланинг қизиқишига

□ Одамийлик шеваси

ЙИЛИНИНГ... ЭНГ
ЯХШИ КЕЛИНИ

рини териб юрганини кўрганман, кўни-қўшларнинг унча-бунча юмушларини беминнат бажариб беришини ҳам билардим. Аммо оғир хасталикка чалиниб, қўлоқлари эшитишдан, кўзлари кўришдан бутунлай қолганини анча кеч билдим.

Бир сафар қишлоққа борганимизда раҳматли Раҳмонжон акам: "Шу аёлни бир кўриб қўй, у кўргани келган одам билан келини ёрдамда гаплашади, қойил қоласан", дедилар. Кўзлари охири, қўлоқлари эшитмайдиган аёл билан бўладиган суҳбатни тасаввур қила олмайдим. Аммо қизиқишим ортди. Вақт топиб, шу хонадонга бордим.

Меҳр-оқибат деганлари шахарга нисбатан қиш-



бемор ётган хонани доимо шамоллатиб, кўрпачаларни, кўрпа-ёстиқни алмаштириб туришди.

Қаноат хонанинг олдида мени келини бошлаб кирди. Индамай турибман, салом берганим билан эшитмайдми. Келин қайнонасининг олдида илдам чўкиб, қўлидан ушлади-да, қафтига кўрсаткич бармоғи билан бир

абамнинг ўғиллари, вой, сиздан айланай! Келин, келин...

Хола кучогини очиб, мен томонга энгашди. Елкамни тутдим. Кўришдик. Шундан кейин раҳматли дадамни, онамни, қизимни эслаб, уларнинг ҳақиқа узоқ дуо қилди.

Болалигимда оқсоқоллардан бири айтган гап онгимга муҳралиб қол-

қараб баҳоли қудрат ёрдам берайман. Айримларидан, очиги, ўзим ҳам баъзи нарсаларни ўрганаман. Шогирдларимиз орасида ҳаёлот дунёси кенг, ҳар бир ишга ижодий ёндашадиганларигина халқимизнинг минг йиллик қадриятлари ифодаси бўлган миллий нақшларимизни ёғочга туширишни уддалай оладилар.

Мақтаб ва коллеж ўқувчиларига ноёб хунарини ўргатаётган уста юртимизда ёшларнинг иқтидор ва истеъдодларини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган бир қатор тадбирлар, кўрик-танловларда кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган йиллар мобайнида "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўрин, республика босқичида эса махсус номинация ғолиби бўлди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди. "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам", "Йилнинг энг яхши ёш мутахассиси" кўрик-танловларида, "Карвон йўналиши бўйлаб" деб номланган халқаро кўرғазмаларда истеъдоди эътироф

этилди. Бугун унинг танлов ва фестивалларда қўлга киритган дипломлари сони 20 дан ошадди.

– Мамлакатимизда ҳар йили юзлаб миллий руҳдаги ишхоотлар қад ростлапти, – дейди уста. – Уларнинг ҳар бири ўзига хос ечимга эга. Айримлари ўтмиш меъморчилигимиз аъёнларини ифодаласа, бошқалари миллий ва замонавий архитектура хусусиятларини уйғунлаштирган. Мен ҳам келажакда ана шундай бунёдкорлик ишларига ўзимнинг улушимни қўшсам, дейман.

Айни пайтда устахонага хунар ўрганиш учун келган ўсмир-ёшларнинг ота-оналари фарзанди фойдалаи ишининг бошини тутганидан хурсанд.

Бугунги ниҳоллар эртага забардаст дарахт бўлиб етишади. Фақат ўз вақтида парвариш қилинса бас. Инсон қадри азиз бўлган юртимизда эса бунинг учун барча шароитлар бор. Шундай экан, ўтмиши улуғ юртнинг келажаги ҳам порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур НАХАЛЛОВ
олган сурат.

□ Кўрғазма

... Саҳнада чарх уриб рақс тушаётган қизлар ижросидан завқланасиз. Болаларнинг ўзидек беғубор суратларига ҳавас билан термуласиз. Фарзандлари камолдан мамнун оналар қувончига шерик бўласиз...

ЁРҚИН
ЛАҲЗАЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Тасвирий ва амалий санъат фестивали ана шундай байрамона, таъсирчан руҳда ўтмоқда.

Анжуман доирасида Халқаро маданият қарвонсаройида ташкил этилган кўрғазма бойлиги билан томошабинлар эътиборини тортмоқда. Соғлом она ва бола йилига бағишланган мазкур кўрғазмада Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, талаба-ёшлар ишлаган суратларга кенг ўрин берилган.

Фестивалнинг навбатдаги кунда олий ва ўрта махсус таълим масканлари ўқитувчи ва талаба-ёшлари ижодига оид кўрғазмалар, ёш дизайнерлар томонидан тайёрланган либослар тақдими, маҳорат машғулоти бўлиб ўтди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БОЛАЛИКНИНГ РУНГИН ОЛАМИ

Зангиота туманидаги 33-умумтаълим мактабида синфлараро "Соғлом-жон-полвонжон" танлови бўлиб ўтди.

□ Мактабдан дараклар

– Мен Озода Мухторова. Ёшим 10 да. Математика фанига қизиқишим жуда баланд. Келажакда шифокор бўлишни истайман.

Соҳлари кўнгирак Моҳира Эгамбердиева сўзларни донда-

дона қилиб гапира кетди: – Устозларим жуда яхши билим беришади. Мен ҳам Дилшунос Ваҳобовга ўхшаган ўқитувчи бўлгим келади. Самарқандга саёҳатимиз давомида тарихий обидалар

Бир-биридан ширин ўғил-қизлар мактаб ҳовлисига чиқишди. Қақажон болаларни суҳбатга чорлаймиз.

бизда катта таассурот қолдирди. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг мактабда яратилган шароитлардан мамнун эканликлари шундоқ сезилиб турибди.

– Мактабимиз 784 ўринга мўлжалланган, – дейди мактаб раҳбари Зулфия Зокирова. – 52 та ўқув хонасида фан йўналишлари бўйича дарс соатлари ўтатилади. Синфлараро ўтказилган "Соғломжон-полвонжон" танловида барча синф ўқувчилари фаол иштирок этишди.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ОБ-ҲАВО
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 23 апрель кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. 2500 метрдан баланд ҳудудларда кўчки бўлиш хавфи бор. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Аҳмадjon МЕЛИБОВЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маъзиллими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.uz

Телефонлар:
Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ